



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 187 (10.492)

2005 ЙИЛ 21 СЕНТЯБРЬ

Пойтахтнинг Сур кўни

Янгиликлар, воқеалар

Кисса

● **КЕЧА** "Камолот" ЁИХ Мирзо Улуғбек тумани бўлими Кенгаши томонидан Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида ҳисобот-сайлов йиғилиши ўтказилди.

● **БУГУН** Чилонзор тумани ҳокимлиги ва туман хотин-қизлар кўмитаси томонидан ўтказилган тadbир "Жамият маънавий юксалишида аёлнинг ўрни" деб номланди.

● **БУГУН** Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида "Камолот" ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчилигига сайловлар бўлиб ўтди.

● **БУГУН** "Камолот" ЁИХ Яққасарой тумани бўлими Кенгаши томонидан Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида бошланғич ташкилот етакчилигига сайловлар бўлиб ўтди.

● **ШАҲРИМИЗНИНГ** "Кушбеги" ва "Бошлик" маҳалла ёшлари учун Яққасарой туман "Оила" маркази ва "Камолот" ЁИХ туман бўлими Кенгаши билан ҳамкорликда инглиз тили ва компьютер курсларидан сабоқ бериш учун ўқув курси очилди.

● **ЮНУСОБОД** туманидаги "Нуронийлар" оромгоҳида бўлиб ўтган тadbир "Қариси бор уйнинг париси бор" деб номланди.

● **"БУНЁДКОР"** ёшлар телеклубида "Ўз уйингни ўзинг асра, ўзинг ҳимоя қил" мавзусида тadbир бўлиб ўтди.

● **СОБИР** Раҳимов туманидаги 2-болалар мурувват уйда паролимпия ўйинлари-ногирон болалар ўртасида спорт мусобақаларининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

"Турон продакшн" шўба корхонаси мебелсозлари тайёрлаётган маҳсулотлар сифати ва кўриниши билан харидорларни жалб этмоқда.

СУРАТДА: мебелсоз Элмурод Сотволдиевнинг бу борадаги ҳиссаси салмоқлидир.



Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунининг 58, 61-моддаларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг бўшаб қолган ўринларига сайлови бўйича 2005 йил 17 сентябрь кuni ўтказилган халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари мажлисининг баённомасига асосан қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари этиб рўйхатга олинсин:

№	Фамилияси, исми, отасининг исми	Тутилган йили	Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури)	Иш ва яшаш жойи
1.	Тухтаев Абдукаҳҳар Хасанович	1956	Тошкент шаҳар ҳокими	Тошкент шаҳри
2.	Ҳакимов Бахтиёр	1948	Собир Раҳимов тумани ҳокими	Тошкент шаҳри

Марказий сайлов комиссиясининг Раиси
М.АБДУСАЛОМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 20 сентябрь

СУД МАЖЛИСИ БОШЛАНДИ

20 сентябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Олий судида 2005 йилнинг 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатлари ва бошқа ўта оғир жиноятлар юзасидан қўзғатилган жиноий ишнинг дастлабки терговда яқунланган қисмига биноан 15 нафар айбланувчига нисбатан тергов яқунларини кўриб чиқиш бўйича очиқ суд мажлиси бошланди.

Мазкур жиноий иш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Бахтиёр Жамолов раислигидаги Олий суд судьялари Воҳид Назаров, Йўлчибой Турсунбоевдан иборат Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноий ишлар бўйича суд коллегияси томонидан кўриб чиқилмоқда.

Иш бўйича раислик қилувчи Б.Жамолов суд мажлисини очди ва судланувчилар Собир Муродов, Имомқуллов, Ҳамидов Фарход Умарович, Турғун Аваз Тўлқинович, Хожиёв Таваққалбек Нўрможонович, Ҳакимов Алишер Олимжонович, Нодиров Фулом Баҳодирович, Юсупов Азизбек Умарович, Иброҳимов Абдувоис Эргашевич, Ортиқов Мухаммадшокир Содиқжонович, Хожиёв Илхом Нўрможонович, Эргашев Валижон Йўлдашбоевич, Имомқуллов Лочинбек Абдуминжонович, Бурхонов Жаҳонгир Жўрахонович, Туропов Хусан Ҳакимович, Ҳозиев Абдулҳафиз Сафимовичга нисбатан жиноий иш эшитилаётганини эълон қилди. Улар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми «а», «в», «г», «д», «е», «ж», «и», «л», «м», «о», «п», «р» бандлари, 155-моддасининг 3-қисми «а», «б» бандлари ва бошқа моддалари бўйича айбланмоқда.

Суд томонидан суд жараёни иштирокчилари-

нинг ҳозир бўлгани текширилди, суд таркиби, томонлар эълон қилинди, рад қилиш ҳуқуқи тушунтирилди, судланувчиларнинг шахси ва уларга айблов хулосаларининг нусхалари берилган вақт аниқланди, иш бўйича судланувчилар ва томонларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тушунтирилди.

Суд мажлисининг тайёргарлик қисми тавсияномалар бор-йўқлиги тўғрисидаги масалани аниқлаш билан яқунланди. Сўнгра раис томонидан суд тергови бошланганлиги эълон қилинди. Давлат айбловчилари айблов хулосасини ўқиб эшиттирди.

Далилларни текшириш тартиби белгиланди. Бу жараёни давомида судланувчилар, жабрланганлар, даъвогар фуқаролар ва гувоҳларнинг қўрсатмалари тингланди, шунингдек, ушбу иш бўйича тўпланган бошқа далиллар текширилади.

Суд жараёни 100 га яқин хоржиий ва мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари, дипломатик миссиялар ва халқаро ташкилотлар вакиллари кузатиб бормоқда.

Суд жараёни давом этмоқда. Олий суд матбуот хизматидан маълум қилинишича, суднинг кейинги мажлиси 21 сентябрь соат 10 да бўлади.

(ЎЗА)

XXI саҳоси

Барча маъбалардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Тошкентда БМТнинг Аёллар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенциясини (CEDAW) амалга ошириш, ҳисобот тузиш ва мониторинг қилиш масалалари бўйича миллий экспертларни тайёрлашга бағишланган 5 кунлик семинар бошланди.

● Кеча "Ўзэкспомарказ"нинг Марказий павильонида "Халқаро ахборот-коммуникация технологиялари — InfoComExpo 2005" кўргазмаси очилди. Мазкур кўргазмада 12 давлатдан 60 дан ошди компания қатнашмоқда.

● "Тожикистон алюминий заводининг ҳудуд экологиясига салбий таъсирини камайтириш муаммоларини ечиш йўллари топиш" мавзусидаги давра суҳбати қатнашчилари 19-20 сентябрь кунлари Сурхондарё вилоятида бўлишди.

● Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой ва Гегайли туманлари пахтакорлари пахта тайёрлаш бўйича йиллик шартнома режаларини бажардилар.

● Бухоро вилояти марказида фаолият юритаётган хусусий меҳмонхоналар сафига "Умар Ҳайём" ҳам қўшилди, улар сони 37 тага етди. Минорай калон, Токи заргарон обидалари, Улуғбек ва Абдулазизхон мадрасалари яқинида барпо этилган 42 ўринли мажор меҳмонхона биноси замонавий ва қўнқа Шарқ меъморчилиги анъаналарини ўзида мужассам этган.

● Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги олдида замонавий тарзда тубдан қайта таъмирланган Қарши болалар истироҳат бондида тирик табиат бурчаги ташкил этилди.

Жаҳонда

● Вашингтонда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан бўлиб ўтган музокаралардан сўнг АҚШ Президенти Жорж Буш халқаро терроризмга қарши курашда Россия билан ўзаро ҳамкорликни юқори баҳолади.

● Афғонистонда маҳаллий ҳукумат органлари ва мамлакат парламентида сайловлар бўлиб ўтди. Овоз бериш жараёни хавфсизлик чоралари кучайтирилган ҳолатда ўтказилди. Сайлов натижалари октябрь ойи охирида эълон қилинади.

● Мамлакат хавфсизлигининг қафолатланиши ва энергетика соҳасида бериладиган кўмак эвазига ҚўДР ядро тadbиротлари дастури ва оммавий қирғин қуроли яратиш ниятидан воз кечиши ваъда берди.

● Роттердам шаҳри аэропортида Голландия полицияси томонидан Венесуэладан Ироққа йўналтирилаётган 220 миллион долларлик қўймакка эга 4,5 тоннадан зиёд кокаин гўёвандлик моддаси ушлаб қилинди.

Гўзал пойтахтимизнинг исталган ерига бориш учун замонавий, шинам, қулай автобуслар — "Мерседес-Бенц"лардан фойдаланамиз, уларнинг бир зумда қўзлаган манзилларимизга бехатар элтишида компания тасарруфидаги 10 та автосарой жомоаларининг хизматлари улкандир. Жумладан, 2 та маршрут таксилари, 5 та такси саройи, битта трамвай, битта троллейбус ҳамда 3-трамвай-троллейбус парклари жомоалари ҳам ҳамшаҳарларимиз хизматида.

Буларнинг барчаси қанчадан қанча маблағ ҳамда минглаб инсонларнинг сермашаққат меҳнати эвазига, албатта. Жомоат транспорти моддий-техник базасининг мустаҳкамланиши — замонавий транспорт воситалари қатнови, янги йўналишларнинг очилиши сифатли хизмат кўрсатишга омил бўляпти.

Яқинда ишга туширилган "ТТЗ" шохбека, Шароф Рашидов, Алишер Навоий, Қунаев, Шахрисабз кўчаларидаги реконструкция ишларида акциядорлик компанияси жомоаси ўзининг катта ҳиссасини қўши. Масалан, кейинги икки-уч йил ичида аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадларида 15 та автобус, 19 та маршрут такси, 3 та трамвайлар йўналиши, 6 та янги нозимхона, 46 та янги бекатлар очилди.

Германия давлатининг дунёга машҳур "Даймлер Крайслер" компаниясининг "Мерседес-Бенц-0405", "Мерседес-Бенц-0-345 Евро 3" русумли 600 тага яқин автобусларига сервис хизмати кўрсатиш учун ҳозирги кунда "Тошшаҳарйўловчиган" акциядорлик компаниясининг иккинчи, еттинчи, саккизинчи автожамланмалари негизда сервис марказлари ишлаб турибди.

Бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда қимматбаҳо техникани асраб-авайлаш, завод-тайёрловчининг барча турдаги белгиланган ишлар ҳажмини қатъий тартибда амалга ошириш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, сервис хизмат кўрсатишга сарфланадиган харажатларни камайтириш ҳамда шу билан бирга, автобусларнинг техник носозлик билан сервис марказларига кириб келиш ҳолатларини қисқартириш компаниянинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Бу мақсадлар учун барча сервис

марказлар "Мерседес" автобуслари-га техник хизмат кўрсатиш ҳамда таъмирлаш бўйича замонавий таъхис ва таъмирлаш асбоб-ускуналари билан тўла жиҳозланган. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, марказларда ихтирочилик фаолияти ҳам ривожланиб бормоқда, ходимларнинг янгиликка ўчликлари, ташаббусларлари тўғрисида айрим деталлар, агрегатларнинг баъзи қисмларини қайта тиклаш

ёзда ҳам бирдай қулай, роҳатбахш", "Миллионлар транспорти — экологик тоза, доимо саранжом-саришта" каби тавсифу ташаккурлар айтилади.

Ҳозирги кунда Марказий Осиёда ягона метрополитенимизнинг умумий узунлиги 39 километрни ташкил этувчи 29 та гўзал ва бетакор бекатлари ер ости қасрлари ҳамда 2 та электр депо, ҳаракатдаги таркибларни таъмирловчи, эҳтиёт қисмлар тайёрловчи депо жомоаси самарали фаолият юритмоқда. 4 минг нафардан иборат жомоа "Чилонзор", "Ўзбекистон" ҳамда "Юнусобод" йўналишларида намунали хизмат кўрсатиб келмоқда.

Эътиборли томони, метрополитен қурилишининг яна давом эттирилиши режаланган, яъни "Юнусобод" йўналишининг иккинчи босқичи қурилиши Хитой давлатининг "Sitik" компанияси кредити ҳисобига амалга оширилди.

Шунингдек, "Йўловчигансервис" бирлашмасининг хўжалик ҳисобидига маркази фаолияти ҳамшаҳарларимизга нафақат ойлик йўл чипталари тарқатишдан иборат, балки компаниянинг реклама хизмати ҳам маъсул. Жомоа "Универсал сурган" Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонаси билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Шаҳримиз аҳолиси-га намунали хизмат кўрсатиш борасида ўз ишига сидқидилдан ёндашган ишчи-хизматчиларга компания томонидан етарлича шарт-шароитлар яратилган. Бунинг учун унинг тасарруфида тиббиёт пунктлари, дам олиш худудлари, уларнинг фарзандларига эса ёзги таътиллар даврида "Стрельцов", "Трамвайчи", "Автомобилчи" — бирданига 3 минг нафар болажонлар дам олишига мўлжалланган оромгоҳлар мавжуд.

Бугунги кунда юртимиз Марказий Осиё минтақасида транспорт тизимини Европа стандартларига жавоб берадиган даражада мустаҳкамлашга эришган биринчи давлат сифатида эътибор қозонган экан, бинобарин, компания жомоасидан янада намунали хизмат даражасини кутиб қоламиз, уйлаймики, улар зиммаларидаги вазифаларини ишлатиш ҳамда тадбиркорлик билан удалашади.

Мухаббат ҲАБИУЛЛАЕВА

Транспорт

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШ МАҚСАДИДА

Айниқса, кейинги йилларда пойтахтимиз муазам Тошкентда ҳамшаҳарларимиз ҳамда унинг меҳмонларининг узогини яқин қилаётган замонавий транспорт воситаларига таъриф беҳисоб. Энг муҳими эса кўчаларимизнинг бугунги жамоли, равон, ойдин йўллар, мусти маҳкам, замонавий кўприкларнинг бунёд этилаётганлиги транспорт воситаларининг мунтазам ҳаракати, намунали хизмат кўрсатиши учун катта қулайликлар, деб ишонч билан айтиш мумкин. Аҳолига намунали хизмат кўрсатиш борасида "Тошшаҳарйўловчиган" акциядорлик компанияси жомоасининг ҳиссаси салмоқли.



имкониятлари туғилди. Шу боис ҳам анчагина маблағ тежалиб, автобусларга зарур қўшимча қисмлар сотиб олиш учун шароит яратилмоқда.

Компаниянинг 2007 йилга белгиланган истиқбол режасига кўра "Мерседес" автобуслари қаторида, газ билан (ўзимиздаги мўл бўлган ёнилги) ишлайдиган Россия давлатининг "Лаз" автобусларининг узидан 500 та, янги русумдаги трамвайларни келтириш мўлжалланган. Асосийси, йўл хизмати, энергетика тармоғи, авария-тиклаш хизматларини бирлаштириш, яъни пул ва вақт тежамкорлигига эришиш мақсадларида яқин келажақда шаҳар транспортда электрон пластик қарточкалар йўлга қўйилади.

Транспорт турлари орасида "Тошметрополитен" давлат унитар корхонаси вагонларининг бир маромда қатнови алоҳида ўрин тутди. Метрога аллақачон аҳоли орасида "Энг қулай транспорт воситаси — қишда ҳам,

суратга олинган тасмаларда жангариларнинг милиция ходимлари ва маҳаллий ҳокимият вакиллари босқинчиларча гаровга олиши, кинотеатрга ўт қўйиши, террорчилар эгаллаб олган қурол-яроғлар, улар тайёрлаган портловчи мослама ва бошқаларни кўриш мумкин ва буларнинг барчаси Андижонда яхши тайёргарлик кўрган жангарилар ҳаракат қилганини тасдиқлайди.

Шунингдек, элчиҳонада бўлиб ўтган ушбу учрашув қатнашчилари 12-13 май кунлари Андижонда рўй берган воқеаларни текшириш юзасидан тўла ва ҳолис ахборотни тақдим этиш бўйича Ўзбекистонда олиб борилаётган ишлар ўзбек томонининг конструктив мулоқот ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликка очиқлигини кўрсатади, дея таъкидлашди.

Жамшид МУТАЛОВ, «Жаҳон» АА муҳбири Брюссель

Иқтисодиёт

СИФАТЛИ БЎЁҚЛАР

Бунёдкорларимиз мустақиллик йилларида сифатли, замонавий, жаҳон андозалари даражасидаги қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўяётган тадбиркорлар ҳисобига кўрган кўзлар қувнайдиган ҳашаматли турар жой бинолари, офис, таълим муассасаларини қурмоқдалар.

Якқасарой туманида бундан 5 йил аввал фаолиятини бошлаган "OLIANARUM" масъулияти чекланган жамияти жомоаси ҳам бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда 10 турдан ортиқ сифатли буюқ маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда. Ҳар хил сифимли, бежирим идишларда қадокланган буюқлар, мижозларни мамнун қилмоқда.

Бугунги кунга келиб, ички бозоримизни чуқур ўрганган ҳолда меҳнат қилаётган жомоа аҳли ишлаб чиқараётган буюқларнинг юқори сифати таннарҳи эса нисбатан арзонлиги боис ҳам буюртмачилар республикамизнинг деярли барча вилоятларидан корхона маҳсулотларига талабгор бўлмоқдалар.

Маъзур жамиятнинг 11 нафар малакали ишчилари касб-маҳоратлари, цехлардаги ўзимизнинг дастгоҳ ва ускуналар ёрдамида барча буюртмаларни ўз вақтида, сифатга эътибор қаратган ҳолда бажаришга қатъий амал қиладилар.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЕНГАЯДИ

Нон—азиз неъмат, у азал-азалдан то бугунги кунимизгача дастурхонимизнинг кўрки, бебаҳо ризқ-рўзимиз ҳисобланади. Хусусий тадбиркорлар орасида Чилонзор туманида фаолият юритаётган Алеся Пак ҳам бунинг тўғри англаган ҳолда самарали меҳнат қилмоқда.

Изланувчан, ташаббускор тадбиркор ўзининг кичик новвойхонасида 6 нафар ёшларни иш билан таъминлаб, маҳаллий хом ашё ҳисобига сифатли, беришдоқ, шифобахш нон ва турли-туман булочкалар ишлаб чиқаришга бел боғлади. Бугунги кунда 12 хилдаги "Сариёғли", "Майизли", "Ширин", "Ерёнқоқли", "Асалли" деб номланган ширин, мазали булочкалар ҳамда хот-доғ ҳам гамбургерлар учун мўлжалланган махсус нонлар минимаркетларда сотилиб, мижозлар мамнун этилмоқда.

Жанубий Кореядан келтирилган замонавий кичик новвойхоналар ишчиларининг баракали меҳнатларида ҳақиқий маънадор бўлмоқда. Хусусий тадбиркор жорий йил охиригача ишлаб чиқаришни кенгайтириши ҳисобига янги иш ўринлари яратишни режаланган.

Муқаддас УМРАЕКОВА

БРЮССЕЛДА АНДИЖОН ВОҚЕАЛАРИ ҲАҚИДАГИ ВИДЕОФИЛЬМ НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистоннинг Брюсселдаги элчиҳонасида Белгияда аккредитациядан ўтган дипломатия корпуси, халқаро ташкилотлар, турли мамлакатларнинг нуфузли оммавий ахборот вакиллари эътиборига «Андижон фожеаси» видеофильми инглиз тилида ҳавола этилди.

Учрашувда тўпланганларга террорчиларнинг ўзлари томонидан суратга олинган Андижон воқеалари хроникаси, кўлга олинган террорчилик хуружлари ижрочиларининг кўрсатмалари, фожеалар жараёнида жабрланганлар ва гаровга олинганларнинг гувоҳликлари ҳамда Андижон воқеаларига эксперт сифатида ўз баҳосини берган Лондон университетини профессор Ш.Акинёр интервьюси билан танишиш имконияти яратиб берилди.

Шунингдек, Андижон воқеалари бўйича текширув натижаларига бағишлаб, шу йил 15 сентябрь куни

Ўзбекистон Бош прокуратурасида бўлиб ўтган брифинг материаллари ҳам тўпланганлар эътиборига ҳавола қилинди.

Элчиҳонадаги учрашув иштирокчилари маъзур хуруж хроникаси, террорчилар ва собиқ гаровга олинганлар берган гувоҳликларини ҳужжатли тарзда ўзида акс эттирган ушбу видеофильм Андижон воқеаларига пухта тайёргарлик қўрилганини ҳамда унда қуролли куч билан мамлакатдаги мавжуд конституцийвий тузумни ўзгартириш мақсад қилиб қўйилганини рўй-рост тасдиқлашини қайд этдилар. Шунинг учун

ҳам Ўзбекистон ҳукумати жангариларнинг жиноий хати-ҳаракатларини бартараф этиш ва тинч аҳолини химоя қилишга ҳақли эди.

Венгрияда нашр этиладиган «Мадияр Немзет» газетаси муҳбири И.Ловаш намойиш этилган маъзур видеофильм Фарбнинг айларини оммавий ахборот воситалари ва инсон ҳуқуқлари бўйича ташкилотлар тарқатган Андижонда рўй берган «тинч аҳоли намойиши» тўғрисидаги барча уйдирмаларни ҳаққоний ва ишонarli тарзда рад этишини таъкидлади. И.Ловашнинг қайд этишича, «террорчиларнинг ўзлари томонидан

— Бизнинг юртимизда қадимдан илм-фаннинг бошқа йўналишлари сингари тиббий марказлар, мактаблар шаклланиган, — дейди Ф.Оқилов. — Ибн Сино сингари буюк алломаларнинг етишиб чиқиши тасодиф эмас. Улар яратган тиб-лимга оид асарлар бугунги кунда ҳам жаҳон тиббиёти тараққиётини таъминлашда муҳим қўлланма бўлаётир.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Тошкент тиббиёт академиясининг ташкил этилиши ана шундай буюк аждодлар асос солган илмий аънаналарни давом эттириб келаётган, айни чоғда замонавий тиб-бий таълим ютуқларини мукамал эгаллаш йўлида тинимсиз изланаётган олимлар, мутахассислар зиммасига катта масъулият юклатди.

Академиянинг ташкил этилиши мамлакатимиздаги икки етакчи тиббий илмий олий ўқув юрти, йирик илмий марказ салоҳиятини бирлаштириш, пироваврида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, замон талаблари даражасидаги ўқув ва моддий-техника базасини яратиш ҳамда илгор таълим технологияларини кенг жорий этиш имкониятини бераётир.

Хозир Академиямизда олтинмига яқин кафедра иш олиб борапти. Уларнинг аксарияти пойтахтимиздаги илмий-тадқиқот институтлари, ихтисослашган тиббий-илмий марказлар, етакчи даволаш-профилактика ва санитария муассасалари базасида жойлашган. Талабаларимизга назарий машғулотларда олган билимларини бевосита амалиёт билан боғлашлари учун барча шарт-шароит яратилган.

Академиямизда беш йўналиш бўйича бакалавр, элликдан зиёд ихтисослик бўйича магистрлар тайёрланади. Бу йил саккиз юз нафардан кўпроқ бакалавр, икки юз нафарга яқин магистр янги очилган Академия талабаси бўлди. Академиянинг Урганч ва Фаргона филиалларида ҳам белгиланган вазифалар тегишли тартибда амалга оширилади.

— Тиббиёт академиясида ўқиб-таълим бўлган ёшлар муайян соҳа шифокори бўлиш учун қарийб ўн йил

таҳсил олиши белгиланган. Бу ёшларнинг мазкур соҳага бўлган қизиқишини сусайтириб қўймаймиди?

— Шифокорлик касби алоҳида кунт ва матонат талаб этади. Шу боис азал-азалдан бу касб эгаларининг ўз касбига бўлган садоқати ва фидоийлиги ҳақида ривоят афсоналар тилдан-тилга ўтиб келган.

Бу касбнинг инсон ҳаётини, келажақ авлодлар қамолтини таъминлашдаги муҳим аҳамияти эътибор олиниб, дунёнинг

ди. Шу тахлит мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар талабига мос, мустақил фикрли, ўз касбини сидқидилдан севадиган шифокор халқимиз хизматига қамарбаста бўлади.

Академияда таҳсил муддатининг бошқа олий ўқув юртларидагига қараганда кўпроқ экани ёшларнинг соҳага қизиқишини асло сусайтирмайди. Буни бу йилги қабул жараёнида бир ўринга ўнлаб йигит-қизлар даъвогарлик қилгани ҳам яққол исботлаб турибди.

— Халқаро алоқалар ҳақида ҳам қисқача сўзлаб берсангиз.

— Хориждаги тараққий этган йирик илмий марказлар билан ўзаро ҳамкорлик тиббиёт соҳасида айниқса муҳим аҳамиятга эга. Бу нафақат илм-фан тараққиёти, балки халқимиз саломатлигини муҳофазалашда, оналик ва болаликни ҳимоялашда, умуман соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни янада ривожлантиришда катта рол ўйнайди. Шунинг эътиборига олган ҳолда мавжуд алоқаларни янада кучайтиришга, Россия, Украина, АҚШ, Германия, Жанубий Корея, Исроил каби давлатлар тиббиёт академиялари, ушбу йўналишдаги бошқа олий ўқув юртлари ва турли илмий муассасалар билан ҳамкорлик қўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Жаҳон таърибасида тиббиёт академияси ўқув-тарбиявий жараёнлар билан бир қаторда чуқур илмий-амалий таърибларни ҳам ўзида мужассам этган. Тошкент тиббиёт академияси фаолиятини ҳам жаҳон андозалари талабларига мослаш мақсадида унинг таркибиде илмий-тадқиқот марказлари ташкил этиш кўзда тутилган.

Бу мутахассислар тайёрлашнинг истиқболли йўналишларини белгилашга, соҳада юртимиз ва хорижда эришилаётган ютуқларни оммалаштиришга, ватанпарвар, маънавияти юксак ва малакали шифокорларни тайёрлашни такомиллаштиришга, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада юксалтиришга қаратилган.

ЎЗА МУХБИРИ БАХОР ХИДИРОВА сўзлашди

2005 — Сухат-саломатлик йили

ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ — ИСТИҚЛОЛ ТУҲФАСИ

Барча соҳаларда бўлганидек, мамлакатимиз тиббиёт тизимида ҳам кенг қамровли ислохотлар илчил амалга оширилаётир. Янги шифо масканлари барпо этилиб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда. Шифокорлар малака ва маҳоратини оширишга қаратилаётган улкан эътибор самараси ўлароқ аҳоли саломатлиги мустаҳкамланмоқда. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури» доирасида бажарилаётган бундай эзгу ишлар жараёнида тиббий таълимни янада ривожлантиришга, жаҳон соғлиқни сақлаш тизими ютуқларини мукамал эгаллаган мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Биринчи ва Иккинчи Тошкент Давлат тиббиёт институтлари негизиде «Тошкент тиббиёт академиясини ташкил қилиш тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим қадам бўлди. ЎЗА мухбири ушбу академиянинг биринчи проректори, профессор Фарҳод ОҚИЛОВ билан мазкур Фармон ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўхбатлашди.

барча тиббий илм муассасаларида шифокор касамёди қабул қилинади.

Ана шундай масъулиятли ва шарафли касб соҳиб бўладиган инсон маънавияти юксак, эътиқодли мустаҳкам, устозлари ўғитларига амал қиладиган комил шахс бўлмоғи лозим. Бундай мутахассисни тайёрлаш жараёни эса муайян муддатни талаб этади. Бу муддат талабага ўз соҳасининг сир-асрорларини тўла эгаллаб, келажақда халқ саломатлигини муҳофазалашдек эзгу ишга муносиб улуш қўшиши учун етарли бўлиши лозим.

Ушбу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда Академияда бакалаврлар етти йил, магистрлар танланган мутахассислиги йўналишига қараб уч йилгача таҳсил олади. Бакалаврлар бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишга йўналтирилса, магистрлар ихтисослашган шифокор бўлиб етишиша-

ришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Жаҳон таърибасида тиббиёт академияси ўқув-тарбиявий жараёнлар билан бир қаторда чуқур илмий-амалий таърибларни ҳам ўзида мужассам этган. Тошкент тиббиёт академияси фаолиятини ҳам жаҳон андозалари талабларига мослаш мақсадида унинг таркибиде илмий-тадқиқот марказлари ташкил этиш кўзда тутилган.

ЎЗА МУХБИРИ БАХОР ХИДИРОВА сўзлашди

Воқеа арафасида

ТОШКЕНТДА — КАРДИОЛОГЛАРНИНГ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ

2005 йилнинг 26-28-сентябрь кунлари Тошкент шаҳрида МДХ мамлакатлари кардиологлари Ассоциациясининг навбатдаги V конгресси бўлиб ўтди. Олдинги конгресслар кардиология фани янги ривожланган марказларда, яъни Москва, Бишкек, Алматы ва Санкт-Петербург каби шаҳарларда бўлиб ўтган. Навбатдаги нуфузли анжуманининг Республикамиз пойтахтида режалаштирилгани ҳам бежиз эмас.

Кейинги йилларда республика-мизда кардиология соҳасида тубдан ўзгаришлар содир бўлмоқда. Жумладан, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурининг II босқичида кўзда тутилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Юрт-бошимиз Фармонлари ва тегишли равишда Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан 2003 йил февраль ойида республика Ихтисослаштирилган кардиология маркази (РИКМ) тузилди.

Қисқа муддат ичида РИКМ-нинг моддий-техникавий базаси мустаҳкамланди. Ходимларга қулай иш шaroитлари яратилди, маошлари оширилди. Натижада кадрлар қўнимсизлигига барҳам берилди. Энг асосийси, илмий изланишлар ва даволаш сифатини оширишга эришилди. Беморларнинг стационардаги ўлими деярли 3 баробар камайди. Асосий юрак-томир хасталикларини ташхислаш ва даволашнинг жаҳон талабларига мос стандартлари ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди.

Яқин келажақда РИКМ қошида интервенцион аритмология ва кардиоангиология каби юксак

технологик ёрдам бўлимларини барпо этиш кўзда тутилган РИКМда бундай ёрдамни кўрсата оладиган кадрлар ҳам бор. Ходимларнинг 10 нафари фан доктори, 33 нафари фан номзодидир.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, РИКМ раҳбарияти ҳамда маҳаллий ҳокимиятларнинг сая-ҳаракатлари билан Самарқанд, Урганч, Фаргона, Наманган, Андижон ҳамда Жиззах вилояти кардиодиспансерларининг моддий-техникавий базасини анча яхшилашга эришилди. Сухат-саломатлик йилининг ўзида Қарши диспансерини таъмирлаш мақсадида 800 миллион сум ажратилди, Нукусда ҳам диспансернинг таъмирланиши яқунланди. Сирдарё вилоятида эса мазкур ташкилот таъмирланган бинога қўчиб ўтди.

Бир сўз билан айтганда, республикамиз анжуман қатнашчилари ва меҳмонларини муносиб қутуб олишга тайёрдир.

Яқинлашаётган анжуманининг шиори — «Фан ютуқлари — халқ саломатлигини муҳофаза қилиш»дир. Унинг асосий вазифалари — МДХ мам-

лакатларининг минтақавий шароитларига мос келадиган касалликларни даволаш ва олдини олиш дастурларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилаётган изланишларни бир-бирига мувофиқлаштириш, юрак-томир хасталикларини ташхислаш ва даволашнинг юксак технология услубларини қўллашдаги таъриблар билан алмашишдан иборатдир. Анжуман ишида МДХнинг барча мамлакатларидан келган кардиологлар қатнашади. Чунки, шаҳримизда ўтадиган халқаро конгрессда академиклар Е.Чазов, Р.Оганов, Ю.Беленков, М.Мирзахимов, профессорлар — Р.Акчурин, М.Руда, Ф.Н.Мазур, С.Голлицин, Ю.Белюсов, В.Моисеев, Г.Сидоренко, И.Чазов, Ж.Кобалава, С.Бойцов, А.Джусупов ҳамда Европа кардиологлари ассоциациясининг раиси — профессор М.Тендерларнинг иштирок этиши кутулмоқда.

Анжуман дастурига кўра «Фундаментал тадқиқотлар ва кардиология тараққиёти», «Юрак-томир хасталикларининг тарқалганлиги ҳамда уларнинг

олдини олиш мезонлари», «Модда алмашинуви бузилиши белгиларининг мажмуаси ва кардиология», «Артериал гипертензияни ташхислаш ва даволашга замонавий ёндашиш», «Юрак маромининг бузилишини ташхислаш ва даволашда янги технологиялар», «Сурункали қон айланиши етишмовчилиги патогенези ва терапиясининг замонавий жиҳатлари», «Ўткир коронар синдром ва тезкор кардиологиянинг бошқа долзарб муаммолари», «Кардиохирургиянинг янги уфқлари» каби мавзуларга асосий эътибор қаратилади.

Конгрессга келиб тушган илмий мақолалар чоп этилган бўлиб, улар 400 дан зиёд тезисларни ўз ичига қамраб олган.

2 та пленар ва 11 та секцион мажлисларда кардиологиянинг муҳим муаммоларига доир 100 дан ортқ маърузалар тингланади. Жаҳоннинг етакчи фармацевтик компаниялари томонидан сателлит симпозиумлар, бугунги кардиологияда кенг миқёсда ишлатилувчи доривор моддаларнинг намоийишлари ўтказилади.

Германиянинг «Берлин-Хеминг» «Менарини групп» фармацевтик компанияси бош ҳомиёликни, «Никомед» фармацевтик компанияси эса анжумани ташкил этишда етакчи ҳомиёликни ўз зиммасига олган. МДХ кардиологлар ассоциацияси навбатдаги V конгрессининг Тошкентда ўтказилиши Ўзбекистон Республикасининг жаҳон майдонидеги юксак обрўсининг ёрқин далилидир.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

Салғай

НАВБАТДАГИ ХУЖЖАТЛИ ВИДЕОФИЛМ

Кейинги йилларда қатор бадийий ва ҳужжатли фильмлар экран юзини кўрди. Бундай қизиқарли ижод намуналаридан бири нечтаси «Ўзбеккино» миллий агентлиги буюртмаси билан юзгага келди.

Тошкентдаги «Хулқар фильм» студияси ҳам агентлик билан яқин ҳамкорликда янги фильмларни суратга олмақда. «Кўёшга интилиб» деб номланган ҳужжатли видеофильм ҳам томошабинлар томонидан яхши қутиб олинди.

Янги экран асариде қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий ҳолатлари жонли лавҳаларда кўрсатиб берилди. Бу ижод намунаси тиббиёт мавзусида суратга олинган яхши ҳужжатли фильмлардан бири деб баҳоланди.

«АҚЛЛИ»

МАШИНАЛАР БИЛАН ТИЛЛАШИБ

Компьютер қурилмаси «ақлли» машина янглик бадийий ижод соҳиблари учун ҳам яқин ҳамкор бўлиб хизмат қилмоқда. Бундай усул расомчилик санъатида ҳам қўл келмоқда.

Буни тошкентлик таниқли мўйқалам устаси Владимир Бурмакин ижоди мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Бир неча йилдирки, расом қатор асарларини шундай ижодий воқеа асосида яратмоқда. Бўлажак картиналарга чиройли нақш ва жозибали ранг-тасвирлар танлашда ҳам компьютер қурилмалари ҳамроҳлик қилмоқда.

Юзгага келган бундай картиналар мажмуаси расомнинг Москвада ташкил этиладиган кўргазмасидан ҳам ўрин оладиган бўлди.

«ДИЛХИРОЖ» МУСИҚАЛИ АЛЬБОМИ

«Аббос» ижодий гуруҳи томонидан намоийиш қилинаётган томошалар муҳлисларга завқ-шавқ бахш этмоқда. Моҳир санъаткор Аббос Қосимов раҳбарликда тайёрланаётган концертларда наволар ҳамда доира садолари баралла янграмоқда.

Ушбу томоша дастурлари мусиқали альбомлар орқали ҳам оммалаштирилмоқда. Навбатдаги бундай мусиқали ёзув «Дилхирож» деб номланди.

Бундан олдин чиқарилган альбомлардан тўрттаси ҳам шинавандаларга муносиб ижодий тортик бўлган эди.

Ақбар АЛИЕВ

— Фуркат Алижонович, ҳаракат томонидан ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, турли муаммоларининг ечилишида кўмаклашиш (иш билан таъминлаш, касб-хунарга ўргатиш, ўқув кредитларини, мустақил тадбиркорлик билан шуғулланишни бошлаш ёки ривожлантириш учун кредитлар олишда ёрдамлашиш) йўлида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Ҳаракатимиз аввало ҳар бир ёшнинг она-Ватанга садоқатли, таълим-тарбияли, одоб-ахлоқи, жисмонан соғлом, бақувват, маънан етук, тадбиркор, ишбилармон бўлиб вояга етишига кўмаклашишни ўзининг асосий мақсади, вазифаларидан бири сифатида белгилаб олган. Ҳар бир соҳа, ҳар бир йўналиш бўйича олиб борилаётган ишлар айнан мана шундай хайрли мақсадлар сари қаратилган.

“Камолот” ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши 2005 йил 5 майдан бошлаб “Ёзни “Камолот” билан!” лойиҳаси доирасида “Ишлаб топ” акциясини ўтказди. Ушбу акциядан ёшларнинг бўш вақтини унумли ва мазмунли ўтказиш, тажриба орттириш ва ўз билимларини намойён этишлари учун имконият яратиш, улар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ҳамда ёзги таътил мавсумида ёшларни иш билан таъминлаш каби мақсадлар кўзланди. 600 дан ортиқ иш сўраб мурожаат қилган ёшлар бўш иш ўринлари тақдим этилган корхона ва ташкилотларга юборилиб, иш билан таъминланди. Туман миқёсида оладиган бўлсақ ҳаракатнинг Бектемир туманида ёшларни иш билан таъминлаш борасида туман бандлик хизмати билан ҳамкорликда ишсиз аёллар билан уч марта учрашувлар ўтказилди, 41 нафар ёшлар ишга жойлаштирилди. Бундан ташқари энди тадбиркорлик фаолиятини бошлаган Б.Аҳмедовга, О.Сиддиқовларга ёрдам кўрсатилди. Мирзо Улуғбек туман бўлими Кенгаши томонидан ёшларнинг манфаатини ҳимоя қилиш, турли муаммоларининг ечилишида кўмаклашиш мақсадида тижорат банкиларидан 12 та таълим кредити ажратилиб, унинг суммаси 3425000 сўмни ташкил этди. Бу каби мисолларни шахримиздаги ҳар бир туман мисолида кўлаб келтириб ўтиш мумкин. Шунингдек, кам таъминланган сила фарзандларини бепул компьютер, ҳайдовчилик курсларида ўқитиш, тўлов шартномасини тўлаш учун моддий ёрдам бериш, ўқув кредитлари олиб бериш, Меҳрибонлик, ноғиронлар уйлари тарбияланувчиларининг ҳолидан хабар олиш, уларга китоблар, ўқув куроллари ва байрамларда моддий ва маънавий кўмак бериш борасида ёки иқтидорли, истеъдодли ёшларга (ижод намуналарини чоп этиш, турли танлов ва мусобақаларда қатнашишда) ташкилий ва молиявий ёрдам кўрсатиш борасида узлуксиз иш олиб борилмоқда.

— Бугунги кун ёшларининг ҳар хил ҳаётдан

дан саводхон бўлишлари, айниқса ҳуқуқий билимларни эгаллашлари фойдадан ҳоли эмас.

Мушоаба

Олдинда РЕЖАЛАР, АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ИШЛАР КЎП

Республикаимиз мустақилликка юз тутгач, ҳар бир соҳада туб ислохотлар олиб борилмоқда. Ахир кунларда юрт кўнраги, эртанги кун, гурур ва ифтихори бўлиши ёш авлод камолоти, таълим-тарбияси, жисмонан соғлом ва маънан етук бўлиб вояга етиши йўлида кенг қўламли, изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Мана шу хайрли мақсад йўлида 2001 йил 25 апрелда таъсис қирилган қарори билан “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, яъни ўзини ўзи бошқарадиган нодавлат нотижорат ташкилоти ўз фаолиятини бошлаган эди. Ўртбошимиз томонидан қўлаб-қувватланиб, “Камолот” ёшларнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин деб тилак билдирилган ушбу ташкилот бугун том маънода ўсиб келаётган ёшларнинг ҳақиқий суянчига айлана олди десак янглишмаган бўлаемиз. “Камолот” бугун йилнинг иккинчи ярмида миллионлаб соғлом фикрли ёшларни бирлаштира олди. Биз “Камолот” ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан айни кунларда амалга оширилаётган ишлар қўлами билан яқиндан танишиш мақсадида Кенгаш раиси Фуркат МАҲМУДУХҲАЕВ билан суҳбатда бўлдик.

— Бу борада Кенгашимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, халқ таълими тизими, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда вояга етмаганлар ва ёшлар билан бир қатор ишларни олиб бормоқда. “Сиз қонунни биласизми?” каби қуриқ-танлов, Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси билан ҳамкорликда конференциялар, маҳаллаларда истиқомат қилувчи вояга етмаган ўсмир-ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида семинарлар ўтказилиб келинмоқда.

— Тез суръатлар билан илгарилаб бораётган асримизда Ватанимиз, дунё тарихи ва умумий билимларни ошириш, динга муносабатни шакллантириш муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

— Буюк мутафаккирларимиз, шоир ва олимларимизнинг бизга қолдирган бой маънавий меросини ўрганиш, шунингдек бетакрор маданиятимиз дурдоналарини ёшларга ўргатиш мақсадида бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда “Маънавият гуллаш” давраси ташкил этилган. Ёки ёшларнинг юртимиз тарихи юзасидан олган билимларини ошириш мақсадида “Аждодлар мероси”, “Сен тарихни биласанми?”, “Юртинг тарихисиз келажак йўқ”, “Мустақилликни асраш — менинг бурчим”, “Ватанга муҳаббат” мавзуларида давра суҳбатлари, миллий ғоя, миллий мафкура, миллий урф-одат, анъаналарга меҳр-садоқат туйғусини ривожлантириш мақсадида “Қадрият, урф-одат, анъана — 2005” фестивали ўтказилди.

Ёшларнинг диний билим ва маълумотларга эга бўлишларига кўмаклашиш, диний бағрикенглик, жамиятда диний айирмачилликка йўл қўймаслик, терроризм ва диний

экстремизмнинг олдини олиш мақсадида Тошкент Давлат ислом университети, шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, шаҳар

— Ватан ҳимоячиси бўлиш мустақил юртимизда шон-шараф ишига айланиб қолди. Албатта бунда ёшларни болалик-

дан она-Ватанга муҳаббатли, мард қилиб вояга етказиш муҳим ўрин тутатди. — Тўғри, бугунги кун ёшлари муддатли хизматга боришни ўзларининг йигитлик бурчлари эканлигини яхши тушуниб етганлар. Албатта бунда берилган таълим- тар-

бия билан бирга давлатимиз, шахсан Ўртбошимиз томонидан Ватан ҳимоячиларига кўрсатилаётган эътибор, яратилаётган шарт-шароитлар ҳимоят нуфузининг янада ошишига йўл очгани айни ҳақиқат.

Ёшларимизни ҳарбий-атанпарварлик руҳида тарбиялаш, ўсмирларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, ҳарбийларнинг маънавий дунёқарошини ошириш мақсадида ҳарбий қисмларда турли хил тадбирлар, давра суҳбатлари, спорт мусобақалари ва бошқа мадросимлар, “Шунқорлар” каби ҳарбий спорт мусобақалари уюштирилмоқда.

— Вояга етмаган ёшлар ўртасидаги тартиб ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш борасида қандай ишлар қилинмоқда?

— Тарбияси оғир, ҳуқуқбузарлик ва жи-

қизикарли учрашувлар ўтказилмоқда.

— Маълумки, бугун ҳар бир жамият аъзосининг тадбиркор, ишбилармон бўлишини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Хусусан давлатимиз томонидан кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришга катта эътибор қаратилган. Бу борада қандай ишларга кўл урилган?

— Ёш тадбиркорлар, кичик ва хусусий бизнес субъектларига ер олиш, рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг бошқа манфаатларини ҳимоя қилишда бевосита ёрдам бериб келинмоқда. Мустақил равишда тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун тижорат банкиларидан кредит олиш ишларида кўмаклашилмоқда. “Бизнес ва маркетинг” каби бепул курслар, маслаҳатхоналар иши йўлга қўйилган.

ноят содир этишга мойил вояга етмаганлар ва ёшлар, фарзанд тарбияси билан шуғулланмайдиган ота-оналар билан тарбиявий профилактик суҳбатлар, тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Ҳар ойнинг иккинчи чоршанбасида шаҳар ИИББ вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига туман етакчилар кенгаши аъзоларининг ташрифи уюштирилиб, спорт мусобақалари, расм чизиш акциялари ўтказилиб келинмоқда.

— Ўртбошимизнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг сессиясида сўзлаган нутқларидаги: “Таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистон деб аталган шу табарруқ заминга эзгу ният билан бир ниҳол экомочи бўлсақ, уни айнан шу бугун экишимиз керак” деган пурмаъно сўзлари ҳар биримизнинг ўз ишимизга яна бир қарра нигоҳ қаратишга туртки бўлди.

— Дарҳақиқат, биз Ўртбошимиз маърузаларини диққат билан ўрганиб чиқиб, комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқдик ва шу асосда иш олиб бормоқдамиз. Масалан, “Пойтахтимиз — муқаддас остонамиз” шиори остида “Гўзал ва обод шаҳрим” акцияси, “Янгица фикрлаш ва ишлаш — давр талаби” шиори остида “Ишлаб топ” акцияси, “Истиқлол имкониятларидан оқилона фойдаланайлик” шиори остида “Ёзни “Камолот” билан!” акцияси, шунингдек

“Ёски шаҳар”, “Билим ол”, “Ёш оила” каби қатор акцияларни ўтказдик. Албатта бу тадбирларимиз ёшлар томонидан тўла қўлаб-қувватланди. Бу билан биз пойтахт ёшларини жамоат ишларига жалб этиш орқали бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини таъминлаб, ободонлаштириш ва жамоат ишларидаги фаолликларини оширдик.

Амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар тўғрисида кўп гапириш мумкин, лекин шу ўринда ютуқлар ўзимизники, қиладиган ишларимиз эса кўп демоқчиман. Биз ҳам бу фикрга қўшилишимиз, ишимиздаги ютуқ ва камчиликларни кўра олсак, ечимини кутаётган муаммолар даражаси бўлса, уни баргараф этишга шойилсак, ўйлашимизки ўйлаган ниятларимизга тезроқ етамиз.

Шоира МУҲАМЕДОВА суҳбатлашди

Ёшлар — келажакимиз

Бугунги кунда Мустақиллик шарофати билан ёшларимизга кенг имкониятлар яратилмоқда. Иқтидорли, салоҳиятли, малакали тенгдошларимиз чет элда ўқиш имкониятини кўлга киритмоқдалар. Юрт пойдеворини мустаҳкамлаш йўлида ўз билимларини ошираётган мана шундай ёшлардан бири Анвар Нигматов айни кунда чет элдаги дорилфунунда таҳсил олмақда.



ФАРЗАНДЛАРИ КОМИЛ ЮРТ

Анварнинг отаси Аскар Нигматов Ўзбекистон Миллий университетининг география кафедраси мудири ҳамда Тошкент Ахборот технологиялари университетида дарс беради. Онаси Гулнораҳон ҳам фан ва таълим заҳматқошидир.

Фарзандга биринчи андоза ота-она деганларидек Анвар Нигматов ҳам ёшлик давриданок китоб мутолаасига киришди. Дастлаб, пойтахтимиздаги 247-мактабда, сўнгра турк лицейида таҳсил олди. Мустақкам билими билан Тошкент Ахборот технологиялари университетида ўқишга кирди. Ўқиш давомида ҳам тиним билмай жаҳон адабиёти ҳамда чет эл маданиятини кунт билан ўрганди. Компьютер технологиялари, икти-

юдизи йўналишидаги ахборотлардан бохабар ҳолда “Инсон ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш” мавзуида рисола яратди. Ушбу рисолада инсон ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш, бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарда унинг моҳияти ва аҳамияти каби масалаларни кўриб чиқиш ҳамда кадрлар бўлими вазифаларини таҳлил этиб, фаоли-

тига баҳо берди. Уларни замон талабига мослаштиришнинг асосий йўналишларини тақлиф қилди. АК “Ўзтелеком” мисолида берилган тақлиф ва мулоҳазалар нафақат мазкур соҳада, балки бошқа халқ хўжалиги соҳаларида ҳам қўлланилиши мумкинлигини айтиб ўтди.

Ўқиш давомида Тошкент Ахборот технологиялари университети бакалавриятини имтиёзли диплом билан тамомлади ва шу йилнинг ўзида магистрлик ўқишига қабул қилинди. Германиянинг Франкфурт—одер университетида амалиёт ўтаб қайтди ва магистрлик диссертациясини аъло баҳога ҳимоя қилиб, имтиёзли дипломга эга бўлди.

Анвар Нигматов фаолиятини дастлаб Тошкент Ахборот технологиялари университети магистрлик диссертациясини аъло баҳога ҳимоя қилиб, имтиёзли дипломга эга бўлди.

Сўнгра 2004 йил сентябрь ойида Телекоммуникация соҳаси бўйича Жанубий Кореяда бўлиб ўтган фестивалда иштирок этиб,

тажрибасини янада оширди. Ниҳоят 2005 йили Швейцариянинг Лозанна университетига грант асосида магистратурага икти-

юдизи таҳсил олишга мурожаат қилди. Қаҳрамонимиз бугун инглиз, немис, турк ва француз тилида бемалол мулоқотга кириша олади.

Фарзанднинг бугунги кундаги муваффақиятларидан мамнун Гулнора опа шундай дейди: — Ўғлим болалик давриданок ўзининг изланувчанлиги билан бошқа тенгдошларидан ажралиб турар эди. Мана бугунга келиб хизматлари, тиришқоқлиги сабаб чет эл дорилфунунда таҳсил олмақда. Ўғлим келажакда бундан катта ютуқларга эриша олишига, юртинг умидини оқлашига ишонман.

Дарҳақиқат, Истиқлол умидлари—юртимиз суянчи, таянчи. Зеро Президентимиз айтганларидек фарзандлари комил юртқудратли бўлур.

Холида ОРИФЖОНОВА, Ўзбекистон Миллий университети талабаси

Тадбирлар

БИЛИМДОНЛИК КАЛИТИ — МЕҲНАТДА

Куни кеча Шайхонтоҳур туманидаги «Катта боғ» маҳалласида «Ёски шаҳарда туғилиб ўсган машҳур инсонлар» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. «Катта боғ» маҳалласида истиқомат қилувчи Адиба Одилова ёзувчи оталари Абдулла Кодирий ҳақида, биолог Феруза Муборақова қайнотаси — Республика суд тиббиёт экспертиза муассасаси бошлиғи профессор Сирожддин Шаҳобиддинов ҳақида маҳалладаги вояга етмаганлар ва ёшларга сўзлаб беришди.

Ушбу тадбир орқали бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, Истиқлол ва аллома ҳамюртларимиз билан яқиндан танишиш, ахлоқийликнинг оддий, ҳаётий қоидалари бўлиши катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, оилада бир-бирини эъзозлаш каби фазилатларни доимий равишда шакллантиришга кўмаклашилди.

Шу маҳаллада туғилиб ўсган машҳур инсонлар билан таништирил-

Ёшлар ижодидан

ВАТАН

Шу Ватанда ўсаб-улгайдим,
Шу Ватанда топдим бахтимни.
Ватан менга отаю она,
Ватан менга доим парвона.
Сен ўзингсан менга ёру дўст,
Сен ўзингсан ишонч, ирода.
Ватан сени доим асрайман,
Сен улугсан, номинг сақлайман.
Ватан бизга берди ризку рўз,
Ебоблардан қолган бой мерос.
Ёруғ йўлга бошлади бизни,
Ватан меҳри динда беқисс.
Сенда яшаб улгайдим-ўсдим,
Сени берман эъза ёлларга.
Истиқлолнинг сени асрайман,
Мадҳинг жўшиб дилдан куйлайман.
Ватан шунчаки сўз эмас асло,
Ватан муқаддас, ҳаммаша танҳо.
Ватан юракдан оққан булоқдир,
Ватан мен учун ёнган чарқодир.
Муҳлиса РАҲИМОВА,
Республика тиббиёт коллежи талабаси

ТИЛ БИЛГАН — ДИЛ БИЛАДИ

Қадим-қадимданок ота-боболаримиз ўзларига қавмдош элатларнинг, халқлари қабилаларнинг тилларини ўрганишга ҳаракат қилганлар. Биргина мисол, ўзбек халқининг буюк шоири, мутафаккир Алишер Навоий форсий шеърятда «Фоний» тахаллусида ижод қилганлигини, айни вақтда эса Абдураҳмон Жомийдек форс-тожик шеърятда зарбадест вакилининг туркий лисонга ҳайрихоҳ нуктаи назар билан қараганлиги мулоҳазаларимиз исботи бўла олади.

Бугун Истиқлол шарофатидан баҳра олиб, хоржий тилларни кунт билан ўрганишга киришган авлоднинг ўтмишда яшаб ўтган ота-боболаримизнинг муносиб ворислари дейишга ҳақлимиз. Ана шу залворли масъулиятни чуқур ҳис этган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бектемир туман бўлими Кенгаши томонидан бу борада хайрли ишларга қўл урилмоқда.

— Уч ой «Ёзни “Камолот” билан!» лойиҳаси доирасида катта ишлар амалга оширилди, — дейди Кенгаш раҳбари Илхом Алимов. — Лойиҳа доирасидаги вазифаларга «Кўчма спорт ўйинлари», «Ҳуқуқий саводхонлиқни ошириш», «Тиббий патронаж», каби қатор тадбирларни киритиш мумкин.

Дарҳақиқат, ҳозирда туман «Камолот» ташкилоти лойиҳада мўлжалланган мақсад ва вазифаларни алоҳида эътибор, масъулият билан удалашга киришган. Жумладан «Тилларни ўрганиш» дарслари бўйича таҳсил олиш ниятида бўлган ёшларнинг 44 нафари инглиз тилини, 19 нафар ўғил-қиз эса немис тилини яхши ўзлаштириб олишга ҳаракат қилишди.

Машгулотларни Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети хорижий филология факультети талабалари Савринсо Азизова (немис тили), Жанур Очилдиев, Фарҳод Рўзиевлар (Инглиз тили) ўтказдилар. Қувонарли томони шундаки, ҳозирда тил ўрганиш мақсадида туман «Камолот»ига мурожаат этувчи

ўқувчилар сони кундан кунга кўпайиб бормоқда.

— «Тилларни ўрганиш» дарсларига синглим билан бирга қатнадик, — дейди тил ўрганувчи Юлдуз Камолова. — Мақсадимиз келажакда инглиз тилини мукамал ўрганиб, таржимонлик касбини эгаллашдир. Мухими, олдимизда турган асосий бурч ва масъулиятни тўғри тушуниб мустақил юртимизнинг мустақиллигини янада мустаҳкамлашга ўз ҳиссамизни қўшишга ҳаракат қиламиз.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бектемир туман бўлими Кенгаши томонидан амалга оширилаётган ишлар салмоғи алоҳида эътиборга молик.

(Ўз мухбиримиз)



Фавқуллодда вазиятлар бошқармаси фаолиятидан

БОШ МАҚСАД — ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ

Ҳар бир оиланинг тинчлиги, осуда турмуш тарзи жамият ҳаётининг ажралмас қисмини ташкил этади. Буни яхши билган Тошкент шаҳар Фавқуллодда вазиятлар бошқармаси навбатчилик-диспетчерлик хизмати ходимлари кечаю кундуз фуқаро муҳофазаси хизматлари ва авария-тиклаш навбатчилари билан ҳамкорликда фаолият юритиб келмоқда. Фуқаролар ва ташкилотлар томонидан бир кечаю кундузда «Кутқарув хизмати» 050 телефонларига ўрта ҳисобда 850-880 маротаба муурожаатлар келиб тушади. Шу тарздаги эҳтиёжларга самарали хизмат кўрсатиш микдори шу йилнинг 15 август ҳолатига кўра 104730 тани ташкил этди.

Шу билан бир қаторда Фавқуллодда вазиятлар бошқармасининг «Кутқарув хизмати» томонидан 1 январдан 15 августга қадар 1374 маротаба воқеа жойларига чиқилиб, кенг қўламли фавқуллодда вазиятларнинг олди олинди. Ана шу самарали ишларнинг натижасида 235 нафар кекса, бемор, яққа-ёлғиз яшайдиган фуқароларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиб, ҳаёти сақлаб қолинди. 437 марта газ плиталари, электр жиҳозларининг ёнгин-портлаш ҳолатларининг олди олинди.

Агар мисолларга муурожаат қиладиган бўлсак, олиб борилаётган ишлар кўлами

кўзга яққол ташланади. Жумладан, бошқарманинг тезкор навбатчилик гуруҳига Чилонзор тумани Чўпон-ота мавзесида жойлашган бекатда номаълум киши оғир аҳволда ётганлиги ҳақида йўловчилардан хабар келиб тушади. Ўз ишининг чинакам захматқаси бўлган лейтенант Соҳиб Қудратов бошчилигидаги «Кутқарув хизмати» ходимлари зудлик билан воқеа жойига етиб боради: беморнинг ҳаёти сақлаб қолинади. Ёки Мирзо Улугбек тумани М-1, 1-уй, 4-йўлгадаги лифт эшиги қулфланиб қолади. Тезкор гуруҳнинг саъй-ҳаракатлари натижасида лифт ичка-

рисида қолиб кетган ҳомиладор аёл кутқариб олинди.

— Бизнинг мақсадимиз фуқароларимиз муҳофазасига қаратилган, — дейди катта лейтенант Хусан Бобонов. — Бу борада имкон даражасида фаолият олиб бормоқдамиз. Бироқ шуни ҳам айтиш мумкинки, аксарият ҳолларда фавқуллодда вазиятларнинг юзга келишига фуқароларимизнинг етарлики билимларга эга бўлмаганлиги, газ, электр тармоқларидан фойдаланишдаги баъзи эътиборсизликлари сабаб бўлмоқда.

Ҳозирда эса Тошкент шаҳри ҳудудида юзга келиши мумкин фавқуллодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда шаҳар ҳудудида содир бўлиши мумкин бўлган техноген, табиий тусдаги фавқуллодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш мақсадида бошқарма ходимлари томонидан ҳар кун 10-15 тадан объектлардаги периметр бўйича ёритиш тизими тўлиқ ўрнатилганлиги, бегона шахсларнинг кириши руҳсатнома орқали амалга оширилишини қатъий назоратга олиш борасида навбатчилик қилиш ишлари йўлга қўйилган.

Хуснияҳон ТОЖИБОЕВА СУРАТЛАРДА: Тошкент шаҳар Фавқуллодда вазиятлар бошқармаси фаолиятдан лавҳалар.

Шарқ дурдоналари



- Ҳақни деб бойлик қидиришдан қочиш натижаси роҳат, эл молидан таъма ипини узтиш натижаси муҳаббат, ўзгалар сирини билиб, айбини тоғаман дейишдан қўл ювиш натижаси оксак хулқидир.
- Тинч бўлай десанг нафсинг хоҳишига қарама-қарши иш қил.
- Саломатлик қадри кетгандан сўнг билинади.
- Бир табиб бир одамнинг олдига келиб: — Мен сенга учта нарса олиб келдимки, улар сендан ўзга кишига арзимайди! — дейди.
- Улар нималар экан? — сўради улуг киши.
- Табиб баён қилиб деди: — Сочни бўйидиган ранги, у билан сочингни бир бор бўясанг, умринг охиригача бошқа оқармайди. Иккинчиси, ҳазм дорисини, ундан истеъмол қилсанг, ҳар қандай қўлп ва қаттиқ овқатни ҳам бир онда тилқалаб ташлайди. Учинчиси, шундай бир дорики, ундан истеъмол қилсанг йўлғитлик айёминг қайтиб келади!

Табиб баён қилиб деди: — Сочни бўйидиган ранги, у билан сочингни бир бор бўясанг, умринг охиригача бошқа оқармайди. Иккинчиси, ҳазм дорисини, ундан истеъмол қилсанг, ҳар қандай қўлп ва қаттиқ овқатни ҳам бир онда тилқалаб ташлайди. Учинчиси, шундай бир дорики, ундан истеъмол қилсанг йўлғитлик айёминг қайтиб келади!

Табиб баён қилиб деди: — Сен олиб келган соч бўёри алдов моёси, мағрурлик нишониси, қариганда ёшларнинг қилигини қилиш одамга ярашмайди. Қари кишига оқарган соч ҳам зийнатдир. Мен оқ сочларимни қора зулматга алмашмайман. Айтаган ҳазм дорингга келсак, мен кўринган овқатни еяверадиган одамлардан эмасман. Ёганда ҳам ошқозоним ҳазмига охири бўлмаганларини ейман, учинчи дорингга келсак, бундай дори хою ҳавасга берилган аҳмоқ одамларга керак. Ўзининг савобли ишларини ташлаб қўйиб, кун бўйи хотинлар олдида хушомад уриб ўтирадиган киши бахтсиз кишидир.

● Ота-онага нисбатан ҳурмат ва муҳаббат, ҳеч шубҳасиз, муқаддас туйғудир.

● Ота ва она! Бу муқаддас номлар олдида барча мадҳиялар ҳеч нарса эмас, барча баландларвоз мактовлар ўйиллик муҳаббати ва миннатдорчилиги олдида пуч ва арзимасдир.

● Ота-онага муҳаббат — барча яхши фазилятларнинг асоси.

● Сиз ота-онангиз билан қандай муомалада бўлсангиз болаларингиз ҳам сиз билан шундай муомала қилишини ёдда тулинг.

«Ат-тарбия» китобида шундай дейилади: «Эй эжко болал! Агар ота-онаниг сени тарбия қилиб воқеа етказида чеккан машаққатларини ўйласанг, уларнинг улғу фазилятларини билиб олсан. Онанг сенга ҳомила бўлиб, туғиб, сийнасида суг бериб, ғамқўрлик қилди. Отанг сизлардан меҳрини дариг тутмади. Ота ҳам, она ҳам сен азоблансанг азобланади, азият чексанг азият чекади. Хуллас сенга келган барча нарсаларга қалқон бўлди. Хатто емай, имай бўлса ҳам сенга мол тўглайди, ўқитсан, илмли қилсан дейди. Мана шуларнинг барчаси учун сен уларни яхши кўришинг, ҳурмат қилишинг, уларга итоат этишинг, доимо уларга юмшоқ муомалада бўлишинг, овозингни кўтармай гапиршинг лозим. Ояти каримда: «Ота-онангга уф дема, уларнинг сўзини қайтарма, уларга ғўзал сўзла» дейилади. Хадисда эса: «Жаннат оналарнинг оёғи остидадир», «Ота-оналарингизга яхшиликлар қилинг, болаларингиздан қайтади», дейилади. Ота-онанинг розилиги умрини зиёда қилур. Ким ота-онага қулқол солмаса, боласи ҳам унга қулқосиз бўлади. Сен ҳам, молинг ҳам отангники ҳисобланади! — шуни ҳисобга олиб қўл.

Байт: **Бошини фидо айла ато қошига, Жисмини қил сатқа оно бошига.**

ТАЪЛИМ ВА ИНТЕРФАОЛ УСЛУБЛАР

Республика Таълим марказида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ўқитишда интерфаол услублардан фойдаланиш ва коммуникация кўникмаларини шакллантиришга бағишланган семинар-машғулот бўлиб ўтди.

Унда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татиб этилаётган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимининг ривожлантириш давлат умуммиллий дастурида таълим сифатини ошириш, таълим жараёнига янги педагогик технологиялар, интерфаол ўқитиш усулларини жорий этиш кўзда тутилгани таъкидланди.

Мутахассисларнинг фикрича, айнан шу услубларни тизимда қўллаш ўқувчиларда ўз фикрини мустақил ва эркин баён этиш, изланувчанлик, ҳозиржавоблик, аниқ мақсад сари интилиш билан боғлиқ жиҳатларни шакллантиришда муҳим омил бўлади. Жаҳон таълим тизими амалиётда анъанавий дарс ўтиш жараёнини инкор этмаган ҳолда ноанъанавий дарсларни ташкил этиш яхши самара бериши кўп бор исботланган.

Бугунги кунда дунёда олти юздан ортқ интерфаол дарс ўтиш услуби мавжуд. Қадрлар тайёрлаш миллий дастурига кўра уларнинг оммавийлари юртимиздаги таълим жараёнига жорий этилмоқда. Айни пайтда янги ва самарали услубларни амалиётда кенг қўллаш ўқитиш сифатининг янада ошишида, ўқувчилар билимининг мустаҳкамланишида муҳим аҳамиятга эга.

Таълим соҳаси услубчилари учун ташкил этилган уч кунлик семинар-машғулотда ўқитишда интерфаол услублар, самарали мулоқот кўникмаларини шакллантириш, педагогика ва андрогогиканинг ўзига хос жиҳатларига оид мавзуларда маърузалар тингланди. Иштирокчилар янгича интерфаол услублар билан таништирилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

Ўзбекистон Давлат санъат музейида Ватанимиз Мустақиллигининг 14 йиллигига бағишлаб Ўрол Тасқибоев, Усто Мўмин, Оганес Татевшян, Николай Карахан каби машҳур мусавирларнинг ўтган аср 20-30-йилларига мансуб асарлари кўргазмаси очилди.

НОДИР ТАСВИРИЙ АСАРЛАР КЎРГАЗМАСИ

Ушбу музейда узок йиллар мобайнида томошабинлар нигоҳи тушмаган икки ярим мингдан ортқ экспонат бор. Нодир тасвирий санъат асарлари улар орасида салмоқли ўрин тутди. Уларнинг аксарияти «авангард» услубида яратилгани билан аҳамиятлидир.

Маъзур кўргазмада тасвирий санъат ихлосмандлари саксондан кўпроқ ана шундай услубда яратилган асар билан танишишлари мумкин.

ЎЗА

Санъат

ЯПОН МУСИҚАСИ КОНЦЕРТИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта театрида замонавий япон мусиқаси концерти бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан Япониянинг юртимиздаги Фавқуллодда ва мухтор элчиси Юкичи Кусумото Ўзбекистон билан Кунчиқар мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама алоқалар тобора мустаҳкамланиб бораётганини, бунда маданият ва санъатнинг ҳам алоҳида ўрни борлигини таъкидлади.

Концертда Япониянинг «Дакуто» барабанилар гуруҳи ижросида замонавий мусика ва куйлар янгради.

ЎЗА

АКТЁРНИНГ ЁРҚИН ИСТЕЪДОДИ

Республикада хизмат кўрсатган артист Саида Раметова драма театри актёри сифатида томошабинларга яхши таниш. Унинг Ўзбек Миллий академик драма театри сахнасида яратган образлари ҳам ёрқин истеъдодидан далолат бериб турибди.

Изланувчан ижодкорнинг қўшиқчилик санъати билан ҳам шуғулланаётгани қувонарлидир. У басталган қўшиқлардан бир нечаси магнит тасмаларига ёзиб олинди. «Соғина-соғина», «Қизлар» каби қўшиқлар ўзининг жозибаси билан дилга яқин туради.

Бу ижод намуналари Ўзбекистон радиоси тўлкинлари орқали яқин орада мухлисларга тақдим этилади.

Ақбар АЛИЕВ

Тошкент Ахборот технологиялари университети кузурда фаолият кўрсатаётган академик лицейда аниқ фанлар бўйича ўқув машғулотлари олиб борилмоқда. «Аниқ ва табиий фанлар», «Информатика ва ахборот технологиялари» кафедраларида илмий изланишлар ҳам кенг йўлга қўйилган.

Маълум

КИЧИК ИЛМИЙ ЛАБОРАТОРИЯЛАР

Информатика ва физика фанлари бўйича ташкил этилган кичик илмий лабораториялар эса тадқиқотлар марказига айланиб қолди.

Иқтидорли ўқувчи-ёшларнинг бу изланишлари самарали бўлмоқда. Самарқандда ўтказилган «Еш информатикалар» республика танловида лицейнинг уч вақили совринли ўринларни қўлга киритди.

Мамлакатимизда уюштирилган «Еш информатикалар» республика илмий анжуманида ҳам истеъдодли ўқувчиларга омад қилиб боқди. Ушбу тадбир доирасида ташкил этилган «Информацион технологияларнинг энг яхши ишлари» танловида фолибликка эришган ёшлар компьютер қурилмаси билан мукофотландилар.

Аҳмад АББОСОВ

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 13 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги “Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3202-сонли Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармойишига асосан, ҳамда хўжалик бирлашмалари таркибига кирувчи корхоналар фаолиятига ноқонуний аралашувларни аниқлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан 2003 йилнинг 26 майида 1243-сонли қарор қабул қилинди.

Ушбу қарор билан корхоналарнинг оператив хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашуш ҳолларига барҳам беришда доимий мониторинг ўрнатиш тартиби белгиланган.

Мониторингни киритиш хўжалик жамиятлари таркибига кирувчи корхоналарнинг хўжалик фаолиятига аралашуш ҳолларини аниқлашга, улар бўйича тегишли чоралар кўришга, шу каби аралашуш ҳолларини бартараф қилишга қаратилган тизимни ташкил этишга имкон беради.

Мазкур мониторингни амалга ошириш мақсадида, Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан корхоналарга сўровномалар тарқатиш йўли билан ўрганиш ўтказилмоқда, “Ишонч телефон”лари ўрнатилган.

Сўров жараёнида ва ишонч телефонлари орқали олинган маълумотлар сир тутилади ва юқорида кўрсатилган мақсадларда фойдаланилади.

Корхоналарнинг оператив хўжалик фаолиятига аралашуш ҳоллари тўғрисидаги маълумотларни Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармасидаги 133-67-90 рақамли “Ишонч телефон”и орқали бериш мумкин.

«ЯНГИБОД ИХТИСОСЛАШГАН БОЗОРИ» ОАЖ СИЗГА 2002 ЙИЛ 18 АПРЕЛДАГИ № 1127-СОНЛИ НИЗОМИГА КЎРА ҚЎЙИДАГИЛАРНИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

ХАБАР ТАРТИБ РАҚАМИ 09

Умумий мажлис тури: акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий мажлиси

Умумий мажлис ўтказилган вақт: 2005 йил 10 сентябрь

Умумий мажлис ўтказилган манзил: Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Тол-Ариқ кўчаси 1-уй.

Умумий мажлисда қатнашганлар: 226066 овозга эга 1 та акциядор.

Кворум даражаси: 100%

Умумий мажлис кун тартиби асосида берилган овозлар натижалари:

1. 2004 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият баланси 226066 овоз билан қайта тасдиқланди.

2. Жамиятнинг 2004 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича соф

фойда 226066 овоз билан куйидагича қайта тақсимланди:

2.1. Жамиятнинг Низом жамғармаси 226066 минг сўм

2.2. Жами акциялар сони 226066 дона

2.3. Бир дона акциянинг номинал қиймати 1000 сўм

2.4. Соф фойда 12193,6 минг сўм

2.5. Жамият раҳбарини мукофотлашга 1219,3 минг сўм

Қолган соф фойда 10974,3 минг сўм

2.6. Жамиятнинг заҳира жамғармасига 10% 1097,4 минг сўм

2.7. Жамиятни ривожлантириш жамғармасига 10% 1097,4 минг сўм

2.8. Дивиденд тўлашга 8779,5 минг сўм

2.9. Ҳар бир акцияга 38,83 сўм

3. Жамият Низомига киритилган ўзгартиришлар 226066 овоз билан тасдиқланди.

4. Жамият Кузатов кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш ҳақидаги Низом 226066 овоз билан тасдиқланди.

ХАБАР ТАРТИБ РАҚАМИ 08

1. Тафтиш комиссияси куйидаги таркибда 226066 овоз билан тасдиқланди:

А.Имронов, Н.Убайдуллаев ва Т.Самиков.

ХАБАР ТАРТИБ РАҚАМИ 05

1. Жамиятнинг 2004 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича дивидендлар миқдори 8779,5 минг сўм деб 226066 овоз билан тасдиқланди.

Акциядорларга ҳисобланган дивидендлар 60 кун ичида тўланади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ ҲАМДА ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИНING ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ

2005 йил 30 августда Тошкент шаҳрида ўтказилган танлов савдоси натижасига кўра, куйидаги паст ликвидли объект инвестиция мажбуриятлари эвазига инвесторларга бепул берилганлигини МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

ТАНЛОВ НАТИЖАСИ

№	Объект номи	Манзили	Инвесторнинг таклифлари		
			Фаолият тури бўйича (сақлаб қолиш ёки сақламаслик)	Инвестиция мажбуриятлари ҳажми, (млн.сўм)	Инвестиция мажбуриятларининг бажарилиш муддати (йил)
1	2	3	4	5	6
1	Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар вазирлигига қарашли бўлган 9 қаватли, 33-сон ётоқхона биноси	Сергели тумани, «Курувчи» даҳаси	Фаолият турини сақламаган ҳолда	300,0	2

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 133-39-57; 133-22-98.

Тошкент шаҳар, Миробод туман ҳокимияти қошидаги “Тадбиркорларни рўйхатга олиш” бўлимнинг 2005 йил 14 сентябрдаги 03-001057 сонли реестрдаги қайдномасига асосан “Улгуржисувсавдо” шўба корхонаси (“Ulgurjisuvsvado”) “Тошкент Сув Таъминоти” (“Tashkent Suv Ta'minoti”) шўба корхонаси деб қайта номланди.

Юридик ва банк реквизитлари сақланиб, у “Улгуржисувсавдо” шўба корхонасининг ҳуқуқий вояси ҳисобланади: Тошкент шаҳри 700060, А.Чехов кўчаси, 2, Тел: 152-19-54; 152-19-53; 152-19-62. Х/П 20210000804268200001, СТИР 204579236, МФО 00444, АИТБ “ИПАК ЙЎЛИ” Амалиёт бошқармаси.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

газеталари тахририяти
реклама агентларини
ишга қабул қилади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

2005 йил 27 августдан бошлаб

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ ТОШКАНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ

КУЗГИ-ҚИШКИ МАВСУМНИНГ ОЧИЛИШИ «ШАРҚ МАШЪАЛЛАРИ» Катта халқаро байрам дастури Дастурдан:

ўргатилган кучукчалар, маймунчалар, каптарлар билан фантазиялар, илон ўргатувчи бўлма илон билан, чавандоз йигитлар ва бошқа кўлаб иштирокчилар ҳамда қизиқарли томошалар ўрин олган. **ТОМОША ҚИЛИШГА ШОШИЛИНГ!!!** Томошалар: шанба ва якшанба кунлари соат 12.00, 15.00 да бошланади.

Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилади. Ҳақ ҳар хил шаклда тўлаиши мумкин. Касса эрталаб соат 9.00 дан ишлайди. Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.

Шарҳловчи

минбари

НЕФТ НАРХИ НЕГА ОШМОҚДА?

Сўнгги пайтларда жаҳонда энергетик инқироз юзга келётгани ҳақида кўп гапирилмоқда. Соҳа мутахассислари бунинг сабабини нефт ва нефть маҳсулотларига талаб ортиб бораётгани тўғрисида нарх-наво ошаётгани билан изоҳлашади.

Куни кеча Вена шаҳрида Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК) вакилларининг навбатдаги анжумани ўтказилди. Унда «қора олтин» баҳосининг кескин кўтарилиб кетишига қарши чоралар кўриш, лозим бўлса, бунинг учун кунлик нефть қазиб чиқариш миқдорини кўпайтириш масаласи муҳокама этилди.

Айни пайтда ОПЕК аъзолари кунига 30,5 миллион баррел нефть қазиб чиқармоқда. Айрим қузатувчилар нархнинг кун сайин кўтарилиб кетаётганини ҳисобга олиб, бу кўрсаткични ўзгартириш лозимлигини таъкидламоқда.

Нарх-навога эса бошқа омиллар ҳам таъсир кўрсатяпти. Аввало, айрим мамлакатларда нефть талаб ортиб бораётган. Яна бир омил АҚШ билан боғлиқ. Мамлакатнинг стратегик нефть захираси камайиб қолган. Устига-устак, яқинда АҚШ «Катрина» тўфонини бошдан кечирди. Мамлакат ички эҳтиёжлари учун етказиб берилаётган «қора олтин»нинг 25 фоизи Мексика кўрғазидан олинадиган. Табиий офат оқибатида бу ердаги нефтни ҳайдаш ва қазиб чиқариш инфратузилмаси бутунлай ишдан чиқди.

ОПЕКнинг амалдаги президенти, Кувейт энергетика вазири Шайх Аҳмад Фахд ас-Сабҳнинг фикрича, нефть қазиб олиш ҳажмини ошириш харидорларни анча тинчлантириши ва нархни барқарорлаштириши мумкин. Бу вақт ичида харидор мамлакатлар қиш мавсуми олдидан ўз захирасини бир қадар тўлдириб олиш имконига эга бўлади.

Айрим мутахассислар эса нефть қазиб олишни кўпайтириш йўли билан нархни жиловлаб бўлмаслигини айтмоқда. Масалан, Ливия энергетика вазири Фатхий Амр бин Шатвон бу усул «беморни бедармон дори билан даволаш» билан баробар эканини таъкидлаган.

Сабаби, айни пайтда жаҳон бозорига чиқарилаётган «қора олтин» миқдори кам эмас. Нархнинг баландлиги эса нефтни қайта ишлаш заводлари кубватининг чеклангани билан боғлиқ.

Шунинг учун бундай заводлар кубватини янада оширишга кўпроқ эътибор қаратиш лозим. Акс ҳолда, таҳминларга қўра, 2030 йилга бориб, нарх ҳозиргидан икки баробар баланд бўлиши мумкин.

RATA-TACC хабарларига қараганда, душанба куни нефть нархи яна ошган. АҚШ соҳилларида «Рита» довули яқинлашиб келаятгани ҳақида хабар тарқалиши билан Нью-Йорк биржасида бир баррел нефть нархи 67,39 долларга тенглашди. Бу жума кунги савдодагидан 1,70 доллар қимматдир. Осиёда ҳам нарх паст эмас — бир баррел нефть 63,71 АҚШ долларига сотилмоқда.

Фазлиддин АРЗИЕВ,
Ўза шарҳловчиси

Шайхонтохур туманидаги «Қоратosh» маҳалласида мазкур ташкилот томонидан фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш юзасидан назарий ва амалий машғулотлар ўтказилди. Тўрт кун давом этган машғулотларда фавқулодда вазиятларда, жумладан, зилзила, ёнгин, газдан нотўғри фойдаланиш орқали келиб чиқадиган ноҳушликларнинг олдини олиш борасида аҳолига кўникмалар берилди.

Мамлакатимизда «Сихат-саломатлик йили» давлат дастури доирасида бир қатор ишлар бажарилмоқда, — дейди Республика Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши фавқулодда вазиятлар бўйича мувофиқлаштирувчиси Нилуфар Раҳим-бобоева. — Бугунги тадбиримизда эса «Қоратosh» маҳалласида истиқомат қилувчи ёшув кексаларни тумандаги 324-ўрта умумтаълим мактабига йиғиб, улар

га фавқулодда вазиятлар содир бўлганда қандай ҳаракатланиш ҳақида зарурий кўрсатмалар бердик.

МАҲАЛЛАДА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

Кундалик турмушда кўплаб қутилмаган воқеаларнинг гувоҳи бўлиб тураемиз. Халқимизда: «Фалокат оёқ остида», деган мақол бежизга айтилмаганлигини айни шу ҳақиқат мисолида тушуниб етиши қийин эмас. Мамлакатимизда 1925 йилдан бери фаолият юритиб келаётган Қизил Ярим Ой жамияти эса фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, табиий офатлар ва бахтсиз ҳодисаларни бартараф этиш борасида бир қатор ишларни амалга оширмоқда.

Маълумки, объектларда фавқулодда вазиятлар содир бўлганда фуқаролар муҳофазасини ташкил этиш маҳалла фуқаролар йиғини раиси зиммасига юклатилади. Шундан сўнг оқсоқол етакчилигида жамоат кен-

гаши тузилади ва у ҳар бири беш кишидан иборат алоқа, ахборот, хабар бериш ҳамда инсонларварлик ёрдами кўрсатиш гуруҳларидан иборат бўлади. Бундан кейинги вазифаларга вазиятчи баҳолаш, унга муносабат билдириш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, аҳолини кўчириш сингарилар қиради.

Шуни ҳам айтиш жоизки, Қизил Ярим Ой жамияти томонидан ташкил этилган бундай ўқув машғулотлари пойтахтимизнинг бошқа туманлари, маҳаллаларида ҳам ўтказилади ва аҳолининг фавқулодда вазиятларга тайёргарлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ҳасанбой ФАТТОХОВ

ХАЛҚАРО МУСОБАҚАЛАРГА ТАЙЁРГАРИК

Йилдан — йилга мамлакатимизда спортнинг барча турлари ривожланиб бориши натижада ўлароқ, Ўзбекистон спорт мамлакатига айланиб бормоқда. Халқаро спорт мусобақаларида ҳам мамлакатимиз спортчилари муносиб иштирок этиб, Осиё ва Жаҳон чемпионатларида юқори ўринларни кўлга киритиб келаётганлари фикримизга асос бўла олади.

Спортчиларимизнинг жаҳон миқёсида эришаётган ютуқларига энг аввало республикаимизда ўтказилаётган турли йўналишдаги чемпионатларнинг таъсири катта бўлмоқда. Умуман, айни пайтларда мамлакатимизнинг турли бурчларида ҳар йили бир нечта спорт мусобақалари ўтказилиши аънаъанага айланиб бормоқда. Жумладан, шундай мусобақалардан яна бири кунга «Жар» спорт мажмуасида бўлиб ўтди. «Ўзбекистон ёшлари терроризм ва гиёҳвандликка қарши» шиори остида ўтказилган. Мусобақа Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирилик ҳамда таъкидано ИТФ Миллий ассоциацияси ташаббуси билан ўтказилди. Айтиб ўтиш лозимки, бундай мусобақа мамлакатимизда ҳар йили аънаъанавий тарзда ўтказилиб келинмоқда. Бу сафарги мусобақада республикаимизнинг барча вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидан жами беш ордан ортиқ спортчи мусобақа голиблиги учун кураш олиб борди. Спортчилар орасида Республика ҳамда Осиё чемпионлари ҳам бор эди. Беллашувларнинг тантанали очилиш маросими барча учун ҳақиқий

спорт байрамига айланди. Чемпионат ташкилотчиларининг асосий мақсади, мазкур мусобақадан энг маҳоратли истеъдодларни танлаб олиб, терма жамоа захирасини улар билан мустаҳкам қилиш ва халқаро турнирларда мамлакатимиз обрўсини янада кўтарадиган спортчиларнинг сафини кенгайтиришдан иборатдир. Яқиний натижалар мусобақанинг иккинчи кунда маълум қилиниб, голиблар аниқланди. Унга қўра қора белбоғлиқлар орасида умумжамоа ҳисобида пойтахтлик таъқвандочилар энг юқори натижага эришган бўлсалар, Буҳоро терма жамоаси иккинчи ўринга сазовор бўлди. Фахрли учинчи ўрин эса Тошкент вилояти ва Андижон вилояти вакилларига насиб этди. Қизил белбоғ соҳиблари баҳсида Тошкент, Наманган, Самарқанд ва Жиззах қаратғичлари голиблик шохсупласига кўтарилдилар. Энди Ўзбекистон терма жамоасига мусобақа голиблари орасида энг кучлилари жалб этилади ва олдидан турган халқаро турнирларга тайёргарлик кўрилади.

Рустам ҲАЙДАРОВ,
«Туркистон-пресс»

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаментининг Тошкент шаҳар худудий бўлими томонидан, ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланган банд солинган автоматотранспорт воситаларини очиқ кимшоҳди савдосини ўтказди.

2005 йил 26 сентябрь кунда куйидаги автоматотранспорт воситалари кимшоҳди савдоси ўтказилди:

1. «БМВ-525» автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси В 469 SHM, бошлангич нархи 2 200 000 сўм, техник саз-Юнусобод-229/4

Кимшоҳди савдолари соат 16-00да бошланади.

Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш кимшоҳди савдоси эълон қилингандан 3 кун аввал

тўхтатилади.

Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш ҳафтанинг душанба, чоршанба, жума кунлари соат 12.00дан 18.00га қадар ишчи гуруҳ вакиллари томонидан амалга оширилади ва кимшоҳди савдоси эълон қилингандан 3 кун аввал тўхтатилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават. Маълумот учун телефонлар: 144-54-08, 41-16-38.

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаментининг Тошкент шаҳар худудий бўлими томонидан 2005 йил 11 октябрь кунда ўтказилайдиган кимшоҳди савдоларига чиқарилган 2004 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 25-99 АВ 4 бўлган «Пежо-307» русумли автомашинаси қайта нархланиши муносабати билан кимшоҳди савдоларидан чиқарилди.



Бош муҳаррир
Акmal АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65,
факс: (5712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма таъриф офсет ускунаси билан.
2496 нускада босилди. Қўғоқ биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масаласлари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнигиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбоа акциядорлик компанияси босмоқхонаси.
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.